

БОҚИЙ ФИКРЛАР

*Дарахт япроғи
билан кўркам,
Одам —
меҳнати билан.*

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 10-mart, chorshanba № 19 (8252) ISSN 2010-6416

Barkamol avlod — mamlakat kelajagi



Х. МАМАДАЛИЕВ
(ЎзА) олган сурат.

ГАЗЕТАНИ БАРАҚЛАГАНА:

**ДЎСТЛИК —
МАҚСАДЛАР
МУШТАРАКЛИГИДА**

2-бет

**ТАРБИЯДАГИ
БИРЛИК:**

**Фарзанд камолида
унинг ўрни беқиёс**

5-бет

**ЯКУНИЙ ВА
БОСҚИЧЛИ НАЗОРАТ
СИНОВИ**

**«Ғалвир сувдан
кўтариладиган»
палла яқин**

6-бет

**14^N
XONASI
SINDATLARI**

9-бет

**«ОИЛАМ —
СУЯНЧИМ,
КЎРҒОНИМ
МЕНИНГ»**

11-бет

ЁРУҒЛИК ТАЪСИРИ

**ёки инсон
биоурасининг
ранги борми?**

12-бет

ҲАР БИР САМАРАЛИ МАШҒУЛОТ

ўқувчи истиқболга пойдевор


Айни пайтда юртимизга баҳор фасли ташриф буюриб, она-табиат кундан-кун чирой очмоқда. Бу жараёнларнинг барчаси маълумки, мактабда ўтиладиган табиий фанларда чуқур ўрганилади. Шунинг учун ҳам мазкур фаслда айни пайтда умумий ўрта таълим муассасаларида ташкил этилаётган физика, кимё, биология фанларини амалиётга боғлаб ўтиш учун имкониятлар кенгаяди. Пойтахтимиздаги 20-мактабда ҳам фан ойлиги қизиқарли дарс ва мусобақаларга бой тарзда ўтаяпти. Ҳар бир фан бўйича ўқитувчилар томонидан ташкил этилаётган очик дарсларда нафақат ўқувчилар, балки ҳамкасблари ҳам иштирок этиб, ўз-фикр мулоҳазаларини билдириш имконига эга

бўлмоқда. Биология фани ўқитувчиси Василя Шарипованинг 7-“А” синфида “Дарё қисқичбақасининг ички тузилиши” мавзuida ўтган дарси ҳам ўқувчилар қизиқишига сабаб бўлди. Дарс жараёнида турли кўргазмали қуроллар, педагогик технологиялардан самарали фойдаланган устоз мавзунинг аҳамиятли томонларини ўқувчиларга тез ва осон етказишга эришди. Зеро, бугун самарали ўтилган ҳар бир машғулот ўқувчининг ҳаёти давомида асқотиши мумкинлигини ҳеч бир ўқитувчи унутмайди.

Суратда ўқитувчи В.Шарипованинг навбатдаги дарс жараёни акс этган.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

- 1- hujayra qobig'i
- 2- sitoplazma
- 3- mag'iz
- 4- vakuol
- 5- plastida



**Mart — fizika,
kimyo, biologiya
fanlari oyligi**





СЎЗДА СЕХР, ШЕЪРДА ҲИКМАТ БОР...

Дарҳақиқат шундай. Ёзувчи ўз қаҳрамонлари тимсолини яратар экан, бевосита кимларгадир ибрат намунасини кўрсатади. Шу йўл билан эзгуликларни улуғлайди, иллатлар пайини қирқишга уринади. Адабиётнинг ҳаёт мактабига қиёслангани ҳам бежиз эмас. Ёшларимиз қалбида ватанпарварлик, мардлик ва жасорат каби туйғуларнинг қарор топишида бадиий адабиётнинг ўз ўрни, хизмати бор. Биз адабиёт орқали ўқувчиларимизни улуғ аждодларимизнинг буюк сиймолари билан таништирамиз. Азалий қадриятларимизнинг умрбоқий-лигини англатамиз.

Munosabat



Президентимизнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондиди ташкил этиш тўғрисидаги қарори бу каби ишлар кўламини янада кенгайтиришга улуш қўшиши билан ҳам эътиборлидир. Негаки, адабиётнинг таъсири ва аҳамиятининг алоҳида эътироф этилиши, унинг ривожини учун шарт-шароитлар яратилишининг ўзи ижодкор аҳлига кўтаринки руҳ бағишлайди. Қарорда жумладан, «...ўзбек адабиётини янада ривожлантириш, бадиий сўз санъати соҳасидаги ютуқларни кенг тарғиб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлар жамғариш ва йўналтириш» масаласига алоҳида урғу берилди. Чунки халқимизнинг бой тарихий маданияти, анъана ва қадриятларимиз, шунингдек, бугунги юксалишларни бадиий жиҳатдан теран ифодалаган асарларимизни хорижий тилларга таржима қилиш, уларнинг электрон вариантларини яратиш давр талабидир. Бу ўз навбатида, бугун мактаб партасида сабоқ олаётган ўқувчиларнинг бадиий адабиёт ўқиш эҳтиёжини ҳам тўлиқ қондириш имкониятини яратади.

Шунингдек, қарорда адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кекса авлод вакиллари моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳусусида ҳам тўхталиб ўтилганки, бу миллий қадриятларимизнинг ҳамшиша ардоқланишига ишорадир. Қарор бандларида ёш адибларнинг асарларини, хусусан, ёшларнинг биринчи китобларини чоп этишга кўмаклашиш масаласининг акс этиши истеъдодли ёшларни рағбатлантириш ишлари бир поғона юксалтириши, шубҳасиз.

Самия МУРОДОВА,
Навоий вилояти, Навбахор туманидаги
1-мактаб ўқитувчиси

署名式

Церемония Подписания Грант-Контрактов
в Рамках Безвозмездной Помощи
Социальным Проектам Глобального Масштаба



Куни кеча пойтахтимиздаги Халқаро Бизнес марказида бўлиб ўтган тадбирда умумтаълим мактаблари томонидан тақдим этилган лойиҳалар асосида яна бта грант-шартнома имзоланди. Умумий қиймати 458 минг АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур шартномалар юртимиздаги бта зиё масканини қўшимча равишда турли мебеллар, спорт инвентарлари, тикув машиналари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланишга хизмат қилади. Бу таълим муассасалари ўқувчиларининг бўш вақтларини ҳам самарали ташкил этиш шароитини яратиши шубҳасиз.

— Ишонаманки, Япония ва Ўзбекистоннинг дўстона алоқалари келажакда янада чуқурроқ мазмун касб этиб бораверади. Ҳамкорликдаги бу лойиҳа халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда

ДЎСТЛИК — МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИДА

Xalqaro
hamkorlik

Юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳеч кимдан кам бўлмаган, jismonan ва маънавий жиҳатдан юксак салоҳиятга эга фарзандларни вояга етказишдан иборатдир. Бу борада айниқса, 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида шаҳару қишлоқларимиздаги барча таълим муассасалари замонавий қиёфа касб этиб, энг сўнгги русмдаги компьютер ва ўқувлаборатория жиҳозлари билан таъминлангани катта аҳамият касб этмоқда. Баркамол авлод йилида айна соҳадаги ишлар давом эттирилмоқда. Бунда ўз навбатида, хорижий ҳамкорларнинг ҳам ҳиссаси алоҳида.

Дунёнинг ривожланган давлатлари билан дўстлик, маданий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришда тенг ҳуқуқли, ўзаро ишончга асосланган манфаатли ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши замирида ҳам таълим тизимини янада такомиллаштириш, уни замон талаблари

асосида модернизация қилиш мақсади мужассамлашган. Хусусан, Ўзбекистон билан кунчиқар юрт — Япония давлати ўртасидаги кўп томонлама мустаҳкам алоқалар ўрнатилган бўлиб, бу таълим соҳасида айниқса, яққол сезилади.

Бугунги кунда икки давлат ўртасида илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш масалаларига катта аҳамият қаратилляпти ва бу борадаги ишлар кўламини йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ўтган давр ичида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Япония ҳукуматининг «Кичик масштаби ижтимоий лойиҳа»си доирасида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари учун жами 9 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган 168та кичик грант лойиҳалари асосида бир қанча таълим муассасалари қўшимча равишда ўқув мебеллари, компьютер, мультимедиа воситалари, спорт инвентарлари, ошхона анжомлари ҳамда бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди.

муҳим аҳамиятга эгадир, — дейди Япониянинг Ўзбекистондаги фавқуллод ва мухтор элчиси жаноб Цутому Хираока.

— Қўлга киритилган грант асосида мактабимизга қўшимча равишда 48 минг АҚШ доллари миқдоридagi ўқув хоналари учун мебеллар, спорт ва ошхона анжомлари, турли жиҳозлар келтирилади. Бунинг натижасида ўқувчиларимиз учун янада кенг шарт-шароит яратилади. Хусусан, ўқувчиларимизнинг компьютер саводхонлиги, спортга бўлган қизиқишлари ортади, меҳнат фани дарслари янада самарали ташкил этилишига эришамиз, — дейди Самарқанд шаҳридаги 1-сонли ёрдамчи мактаб директори Манзура Розикова.

Дарҳақиқат, бундай тадбирлар юртимизда фарзандлар камолини ўйлаб қилинаётган кенг кўламли ишларнинг бири сифатида алоҳида эътиборга моликдир.

Санжар РУСТАМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

АКМАЛ — ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ГОЛИББИ

2010-yil — Barkamol avlod yili

“Энг иқтидорли ёш истеъмолчи” кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи якунланди.

Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган бир қатор ҳужжатлар бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш, соҳани тубдан ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Айни пайтда жойларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси билан шуғулланувчи жамоат ташкилотлари фаолияти кенгайиб бораётир. Аҳоли, хусусан, ёшлар орасида бу борадаги қонун ҳужжатларини тарғиб этиш, истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишларига жамоатчиликни янада кенгроқ жалб этиш, ёш авлоднинг истеъ-

молчи сифатидаги маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Бунда ҳар йили ўтказиб келинаётган “Энг иқтидорли ёш истеъмолчи” республика кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент вилояти Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда “Камо-

лот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган мазкур танловда шаҳар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган талабалар иштирок этди.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида Оққўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи ўқувчиси Акмал Қурбонов энг иқтидорли ёш истеъмолчи, деб топилди.

Л.СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири



ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР АМАЛИЁТИ

Фан хоналарининг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши ўқувчиларнинг билим олишлари учун қулай шароит яратиб беради. Бунда эса ўқитувчининг ҳар жиҳатдан малакали бўлиши талаб этилади.



Ана шуларни инобатга олган ҳолда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Франция элчихонаси ҳамкорлигида «Республика француз тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш» амалий семина-

ри ташкил этилди.

Тадбирда Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилояти туман ҳамда шаҳарларидан келган 80 нафар француз тили мутахассислари иштирок этди. Семинарда дарс машғулотларини Франциядан ташриф буюрган француз тили фани мутахассислари ўтишди. Республика-

Seminar



касб-ҳунар коллеж ҳамда олий ўқув юртларидан таклиф қилинган ўқитувчилар дарс мобайнида Франция ўлкашунослиги, француз тилини ўқитиш услуби — методикаси ва тил грамматикаси, фонетикаси ва лексикасидан амалий машғулотлар асосида ўз билимларини такомиллаштирамоқда.

— Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад Ўзбекистон ва Франция давлатларининг ўқув тизимида ҳар икки тилни мукамал ўрганиш ҳамда давлатлар ўртасидаги дўстлик, тотувлик тушунчаларини мустаҳкамлаш, — деди Ўзбекистондаги Франция элчихонасининг Тил ва таълим ҳамкорлиги атташеси ассистенти Назира Юсупова. — Беш кун давомида ўтказилиши кўзда тутилган мазкур ўқув семинарида ўқитувчилар фақат француз тилида мулоқот қилишади.

Х. РАЖАБОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Yangilik



Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Методика маркази томонидан ташкил этилган семинар-тренингда маърузачи — Сергели туманидаги 300-мактаб ўқитувчиси Марҳабо Курбонова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси—2009» кўрик-танлови республика босқичи иштирокчиси сифатида ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Яккасарой туманидаги 26-мактабда ўтказилган мазкур тадбирда 2004—2009 йилларда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловларида муносиб иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган


шўъбага бўлинган ҳолда ўтказилди.

Тадбирнинг кириш қисмида таъкидланганидек, энг ишончли, кўзга кўринган, ёш ўқитувчиларга дарс ўтиш методикаси ва танловга тайёргарлик кўришга доир маслаҳатлар бера оладиган педагогларнинг таянч мактабларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу мактабларда ўқитувчилар ўзаро тажриба алмашиб, дарс ўтиш жараёнида методик қўлланмалар, кўргазмалар, қуроллардан фойдаланиш, замонавий ахборот технологияларини қўллаш имкониятига эга бўлади.

— Бугунги тадбирда ёш мутахассислар

«ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИЛАР МАКТАБИ»

илғор тажрибаларни оммалаштиради



38 нафар муаллим иштирок этди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга йўналтирилган «Илғор тажрибаларнинг инсон камолотидаги аҳамияти» мавзусидаги ушбу семинар-тренингда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танлови ғолиблари мактабини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда семинар 17та фан бўйича 8та

танловга тайёргарлик кўриш, дарс ўтишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича ўз тажрибаларимни баён этдим. Ҳар бир дарс мавзусига тайёргарлик кўриш, ахборот технологиялари, мультимедиа воситаларидан фойдаланиш ҳамда фанга нисбатан ўқувчиларнинг қизиқишларини ошириш бўйича энг самарали усулларни қўллаш ғолиблик сари етакловчи бош омилдир, — деди «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2007» кўрик-танлови республика босқичи ғолиби, Юнусобод туманидаги 273-мактаб математика фани ўқитувчиси Шаҳзода Саидова.

Бугунги ёшларнинг билим олишга интилиши юқори. Бу ҳол педагоглар зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Оммавий тус олган кўрик-танлов ғолибларидан иборат «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси мактаби»нинг ташкил этилиши эса таълим сифати ва самарадорлигини ошириш сари ташланган яна бир самарали қадам бўлишига шухба йўқ.

Санжар РУСТАМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Mart — fizika, kimyo, biologiya fanlari oyligi



БАҲОРИЙ КАЙФИЯТДА БОШЛАНГАН ОЙЛИК

Юртимиз умумтаълим мактабларида яқиндагина бошланган кимё, биология ва физика фанлари ойлиги аллақачон қизгин тусга кирган. Баҳор фаслининг кириб келиши барчага кўтаринки кайфият бағишлаган бўлса, ушбу фан ўқитувчиларининг гайратини янада орттирди, десак муболаға бўлмайди. Энди улар ҳар галгидан кўпроқ ва самаралироқ ишлашга, ойлик давомида ўз фанларига нисбатан ўқувчилар қизиқишини янада ошириш, улар билимини янги-янги маълумотлар билан бойитишга ҳаракат қилишмоқда.


Хусусан, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 235-мактабда ҳам фан ойлиги катта тайёргарлик ва пухта режалар асосида бошланди. Айни пайтда ушбу таълим даргоҳида ўқитувчилар фанга оид турли мусобақалар, очик дарслар ўтказиб ойликнинг қизиқарли ва кўнгулдагидек ўтиши учун меҳнат қилишмоқда. Айниқ-



са, физика фани ўқитувчиси Хуршида Хонназарованинг 8-«А» синфда «Электр» мавзусида ўтган лаборатория машғулоти, кимё фани ўқитувчиси Гавҳар Каримованинг 7-«В» синфда ўтган «Асосларнинг алмашилиши ва хоссалари» мавзусидаги ҳамда биология фани ўқитувчиси Елена Таманованинг 7-«Г» синфда ўтган дарслари ҳамкасблари ҳамда ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Суратларда: дарс жараёнидан лавҳалар акс этган.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.





Узоқ ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқи ўзининг таълим-тарбияга оид улкан меросига эга. Бу мерос бугунги авлодни инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, оқибат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, мардлик, юксак ахлоқ руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Ҳар бир инсон дунёга келар экан, унинг инсонийлиги, ахлоқ-одоби, хулқ-атвори оила, мактаб ва маҳаллада шаклланади. Фарзандлар бу маконларда ахлоқ-одоб қоидаларини, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби қадриятларни ўрганади. Оила — мактаб — маҳалла — буларнинг ҳеч бирини биридан устун қўйиб бўлмайди. Ҳар бирининг фарзанд камолида ўз ўрни ва аҳамияти бор. Шу боис уларнинг самарали ҳамкорлигини ота-она ҳам, ўқитувчи ҳам, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳам чуқур ҳис қилган ҳолда ёндашиши лозим. Аввало, оила ҳақида...

ОИЛА — ЖАМИЯТ БЕШИГИ

Инсон маънавияти дастлаб оила шароитида шакллансада, жамият маънавиятини белгиловчи мезон сифатида намён бўлади. Оилада фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ниҳоятда муҳимдир. Ноқо-

фаолияти оилавий тарбиянинг асосини ташкил этади. Бундан ташқари, ҳар бир оилада фарзанд тарбиясида аниқ бир мақсад бўлиши керак. Энг муҳими, фарзандларимизни нафақат бўлажак ота-она ёки ака-ука, опа-сингил сифатида, балки жамиятнинг ҳақиқий аъзоси, келажагига ишонувчи, унга садоқат билан хизмат қилувчи инсон, ватанпарвар



2009—2010-o'quv yili — Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligi o'quv yili

ТАРБИЯДАГИ БИРЛИК:

бил фарзанд ота-онанинг қаддини букади, эл-юрт олдида уларнинг бошини ҳам қилади. Ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ҳар бир ота-онанинг, тарбиячи-мураббийларнинг, жамоатчиликнинг Ватан олдидаги бурчидир.

Тарбия — ижтимоий ҳодиса. У кишилик жамияти пайдо бўлган даврдан буён мавжуд. Инсон ер юзидаги энг мукамал зот бўлиши учун, аввало, тарбияланиши зарур. Тарбия — кўп қиррали, узоқ давом этадиган жараён. Болани ўраб олган муҳитнинг ҳаммаси — одamlar, narsalar, hodisalar унинг онгида, хулқ-атворида маълум из қолдиради, уни ўзгартиради ва ўстиради.

Ҳар бир ота-она тарбиянинг ўзига хос назарий ҳамда амалий қонун-қоидаларини ўзлаштириб, уларга амал қилиши лозим. Негаки, оилада бола тарбияси гоят нозик, ураккаб масала бўлиб, ота-онадан педагогик билим, катта тарбиячилик маҳоратини талаб қилади.

Ота-она, авлод-аждодларимиз тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ўғил-қизларни ёшлигидан меҳнатсевар, ҳар бир топшириқни катта ёки кичиклигидан қатъи назар, ўз вақтида, аниқ бажарадиган, умрининг ҳар бир дақиқасини қадрлайдиган қилиб тарбиялаш лозим. У ёки бу оиладаги тарбиянинг самарадорлиги, албатта, ота-онанинг қанчалик билимли, маданиятли бўлиши, бола тарбиясига масъулият билан қараши, фарзандлари келажагини чуқур ҳис этишлари, тажрибада синалган миллий урф-одат ва анъаналардан унумли фойдаланишларига боғлиқ. Тарбияда талабчанлик, ота-она ва катта ёшдаги кишиларнинг ўзаро аҳилликлари, кичикларга ғамхўрлик, осуда турмуш ва ҳалол меҳнат

ФАРЗАНД КАМОЛИДА УНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС

посбон сифатида ҳам тарбиялашга эътибор беришимиз лозим.

Бу омилларни шакллантиришда эса энди мактаб деб аталмиш муқаддас даргоҳнинг масъулияти юз кўрсатади.

МАКТАБ МАСЪУЛИЯТИ

Болада ижобий сифатларни қарор топтириш учун ёшлар билан, айниқса, юқори синф ўқувчилари билан мунтазам шуғулланиш лозим.

Аввало, бир саволга жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрайлик: «Жамиятда тарбияси оғир ёшлар қаердан пайдо бўляпти? Дунёқараши паст, билими заиф, ёш бўлса-да, жиноятга қўл урган, гиёҳвандликка мойил, ичкилик ва чекишга ружу қўйган, ўқишга қизиқмайдиган болалар кимнинг «айби»? Ахир улар шундай бўлиб туғилишмайди-ку. Мактаб ўқитувчилари етарли билим беришмаяптими? Турмуш ташвишлари билан ўралашиб, оилада фарзанд тарбиясига эътиборсиз қараётган ота-оналар айбдорми ёки лоқайд, бепарво, совуққон болаларнинг ўзими?

Аввало, куйидаги ҳолатлар ўсмирларни тартиббузарликка жалб этадиган ижтимоий-руҳий омиллар ҳисобланади. Булар:

- ўсмирларда бўш вақтнинг кўплиги;
- катталар томонидан назоратнинг йўқлиги;
- бўш вақтни ўтказиш жойи ва вақтнинг бетайинлиги;
- кўнгилхушлик ва зарарли одатларга берилувчанлик

имконининг борлиги ва бошқалар.

Ўқувчи-ёшларни «тарбияли бўл!» деган билан тарбиялаб бўлмайди. Бунинг учун уларнинг психологиясига таъсир этувчи воситалардан унумли фойдаланиш даркор. Жумладан, энг қизиқарли китобларга болани жалб этиш, инсоний хислатлар, эзгулик, яхшиликни тарғиб этувчи таъсирли кинофильмлар ва ўз хулқ-атвори билан барчанинг ҳурматида сазовор бўлган инсонларнинг ҳаёт йўли ҳамда ўрнак бўлувчи жиҳатларини ёшлар онгига сингдириш орқали бу мақсадга эришиш мумкин.

Ҳар бир тарбиячи тарбия санъаткори бўлмоғи лозим. Бу болаларни севиш санъатидир. Тарбияси оғир, қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш, уларни жамоатчилик кенгашларига олиб чиқиш, фойдали меҳнатга жалб қилиш, тўғарақларга қатнаштириш, хунармандчиликка ўргатишни таъминлаш, ҳар бир тарбияси оғир болага жамоатчилик фаолларини бириктириш, вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботларини тинглаш лозим.

«БИР БОЛАГА ЕТТИ ҚУШНИ ОТА-ОНА»

Халқимизнинг бу пурҳикмат нақли бугун ёшларимиз камоли йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ҳамкорликлар натижасида ўз донишмандона бўй-бастини яна бир бора кўрсатмоқда. Халқ таълими

вазирлигининг 2004 йил 26 февралдаги 26-сонли ҳайъат мажлиси қарори билан «Оила, маҳалла, мактаб» концепцияси қабул қилинди. Бу вазифаларни ҳал этиш учун Вазирлик ташаббуси билан Республикаимиздаги бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда «Жамоатчилик маслаҳат кенгаши» тузилган. Тарбияси оғир, ҳуқуқбузарликка мойил болалар билан ишлаш, уларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратиш ва «Оила, маҳалла, мактаб» концепциясини ҳаётга жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Кенгаш ўз олдида болаларнинг мазмунли дам олиши, қизиқарли ишлар билан шуғулланишларига имконият яратиш, маҳаллаларда тарбиянинг таъсирчанлигини ошириш, ҳомий ташкилотлар ёрдамида спорт-соғломлаштириш майдончалари ташкил этиш, маҳаллаларда қизлар ҳаёси, ибоси, уларни турмушга, ҳаётга тайёрлаш ҳақида баҳс-мунозаралар ўтказиш, ёшлар онгида миллий урф-одатлар, азалий удумлар, тарихий анъаналарни қарор топтириш каби мақсадларни қўйган.

Дарҳақиқат, болаларни тўғри тарбиялашнинг асосий шартларидан бири тарбиядаги бирликдир. Шу боис ёшларда миллий урф-одатлар, азалий удумлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, тарихий анъаналарни ўрганишга иштиёқни кучайтиришда мактаб, жамоатчилик, маҳалла аҳли ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирлар самара бермоқда.

Шунингдек, ўқув машғулотларининг ранг-баранг шакл ва услублардан фойдаланган ҳолда ўтказилишига, гиёҳвандликнинг зарарли таъсири, диний экстремизмга қарши кураш бўйича, спиртли ичимликларнинг зарари ҳақида ўқувчи ва тарбияси оғир болаларга бадиий, ҳужжатли фильмлар намойиш этиш ва муҳокама қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Адабиёт фани ўқитувчиси бўлганим учун болалар тарбиясига ўзимни бошқалардан кўра кўпроқ бурчли ҳисоблайман. Тарбиясиз, ҳаёт йўлида қоқилган болаларни кўрсам руҳан сиқиламан. Шу боис фаолиятимда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш орқали бу борада нимадир ҳисса қўшишга интиламан. Жумладан, ўқувчилар ўртасида китобхонлик даражасини кўтариш мақсадида китобхонлик кечалари, санъат гунчалари танловлари, саёҳатлар, тарбиявий тадбирлар, байрам кечалари ташкил этиш орқали болалар руҳиятига эзгу хислатларни сингдиришга ҳаракат қиламан.

Биз тарбиялаётган ўқувчи ёшларимизнинг баъзи мамлакатлардаги тенгдошларидан тубдан фарқланувчи бир жиҳати бор. Улар болажон халқимизнинг оиладек кўрғони бағрида, маҳалла эътиборида, қолаверса, давлатимиз ғамхўрлигидадир. Улар бошқа мамлакатлардагидек қорин гамида яшамаяпти, мактабни ташлаб қўйиб, иш излаб зор-зор юрганлари йўқ. Мана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, йўғини яратиш йўлидан борсак, фарзандларимизнинг мактабгача, мактабдаги ва мактабдан ташқари ҳаётини билим, кўникма ва хунар билан бойитиш, уларнинг онги ва қалбида маънавиятни шакллантириш, ижодий ишларни жамоатчиликка танитиш каби асосий вазифаларимизни бажара олган бўламиз.

Гулноза НУРМАТОВА,
Юнусобод туманидаги
288-мактабнинг она тили
ва адабиёт фани
ўқитувчиси



ЯКУНИЙ ВА БОСҚИЧЛИ НАЗОРАТ СИНОВИ

«Галвир сувдан кўтариладиган» палла яқин

Билим олиш — доимий жараён. Илмининг ортиқчаси бўлмайди. Шу боис, яна бир ўқув йили якунига етаётган айни кунларда таълим муассасалари ўқувчилари дарсларда янада фаолроқ бўлишга интилаётгани бежиз эмас. Зеро, умумий ўрта таълим муассасалари битирувчи синфлари таълимнинг навбатдаги bosqichiga ўтишдан аввал яна бир синовга тайёрланаётган бўлса, кичик синф ўқувчилари bosqichli nazorat imtihonlari oldida турибди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»-ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда қатор тегишли ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида 2009—2010 ўқув йилини якунлаш, ўқувчилар билими, малака ва кўникмаларини bosqichli nazorat imtihonlari ва якуний давлат аттестациясидан ўтказиш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинди.

Унга кўра, барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари, махсус мактаб ва мактаб-интернатларда ўқув машғулоти 25 майда тугалланиши белгилаб қўйилди.

Ўқув йили якунланиши олдидан «Чақирикқача ёшларни тайёрлаш» фани бўйича ўғил болалар учун ўқувдала машғулоти 3 кун (18 соат) давомида шу ўқув фанига ажратилган дарс соатлари ҳисобидан мактаб ҳудудида ўтказилиши эътиборга олиниши лозим.

Умумий ўрта таълим муассасаларини битирувчи IX, XI синф ўқувчиларининг билим, малака ва кўникмалари оғзаки, ёзма ёки тест усулида якуний давлат аттестациясидан, IV—VIII, X синф ўқувчилари эса bosqichli nazorat imtihonlaridan ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Замонавий компьютерлар билан таъминланган умумтаълим мактабларида ҳамда айрим фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда оғзаки имтиҳонларнинг тест усулида компьютер ёрдамида ўтказилишига рухсат берилади.

Барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари битирувчи синф ўқувчиларининг билим, малака ва кўникмаларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш IX синфларда 2010 йил 26 майдан 10 июнгача, XI синфларда 27 майдан 23 июнгача амалга оширилиши белгиланган.

IV—VIII, X синфларда bosqichli nazorat imtihonlari 2009 йил 26 майдан 2 июнга қадар ўтказилади.

Ихтисослашган ўқув фанидан кўшимча имтиҳон топшириш учун имтиҳонлар муддати 3 кунга узайтирилиши мумкин.

Битирувчи IX ва XI синф ўқувчиларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 4 мартдаги «Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисида Низом»и асосида амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур буйруқ асосида «Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим олувчиларни синфдан-синфга кўчириш муваққат тартиби» ҳамда «Якуний давлат аттестацияси ва bosqichli nazorat imtihonlarини

ўтказувчи имтиҳон комиссияси аъзоларининг ҳуқуқ-вазифалари» тасдиқланди.

Умумий ўрта таълим муассасалари, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар битирувчиларининг би-

Rasmiy bo'lim



лим, малака ва кўникмаларининг якуний давлат аттестацияси ва синф-

дан-синфга кўчириш bosqichli nazorat imtihonlari қуйидаги фанлардан ўтказилиши белгиланган:

а) IX синф битирувчилари учун якуний аттестация

Она тили ва адабиёт	ёзма (ижодий баён)	26 май
Математика	ёзма, тест	29 май
Физика	оғзаки, тест	
Тарих	оғзаки, тест	
Кимё	оғзаки, тест	
Ўзбек тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)	оғзаки	
Рус тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)	оғзаки	
Жисмоний тарбия	назарий ва амалий	10—15 май

б) XI синф битирувчилари учун якуний аттестация

Она тили ва адабиёт	ёзма (иншо)	27 май
Математика	ёзма	31 май
Физика	оғзаки	
Тарих	оғзаки	
Давлат ва ҳуқуқ асослари	оғзаки	
Кимё	оғзаки	
Хорижий тил	оғзаки	
Ўзбек тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)	оғзаки	
Рус тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)	оғзаки	
Жисмоний тарбия	назарий ва амалий	10—15 май

в) IV—VIII ва X синфлар учун bosqichli nazorat imtihonlari:

IV синф

1.	Она тили	ёзма (диктант)
2.	Математика	ёзма
	Жисмоний тарбия	назарий ва амалий

V синф

1.	Математика	ёзма
2.	Адабиёт	оғзаки
	Рус тили (ўзбек тили)	оғзаки
	Табиийёт ва география	оғзаки, тест

VI синф

1.	Ботаника	оғзаки
2.	Тарих	оғзаки
	Ватан туйғуси	оғзаки
	Жисмоний тарбия	назарий ва амалий

VII синф

1.	Физика	оғзаки
2.	Она тили	ёзма
	Тасвирий санъат	амалий
	Информатика	оғзаки, тест

VIII синф

1.	Биология	тест
2.	Давлат ва ҳуқуқ асослари	тест
	Иқтисодий билим асослари	тест
	Чизмачилик	амалий

X синф

1.	География	оғзаки
2.	Адабиёт	оғзаки
	Хорижий тил	оғзаки
	Тарих	оғзаки

IV—VIII ва X синфлар учун bosqichli nazorat imtihonlari иккита ўқув фанидан ўтказилади.

1 рақамида кўрсатилган ўқув фанидан ўтказиладиган имтиҳон мажбурий, 2 рақам остида кўрсатилган ўқув фанларидан бирини ўқувчилар имтиҳон ўтказилишидан бир ой олдин танлайди. Бу ҳақда ҳар бир синф учун танланган ўқув фанидан bosqichli nazorat imtihonlariни ўтказиш ҳақида мактаб педагогика кенгаши қарор қабул қилади.

Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, умумий ўрта таълим мактабларининг IX ва XI синф ўқувчилари 2010 йил 10 майдан 15 майга қадар жисмоний тарбия фанидан меъерий талаблар асосида синовдан ўтказилиши режалаштирилган. Бунда болалар соғлиғига алоҳида эътибор бериб, малакали тиббий ходимларнинг назорати таъминланиши лозим.

Ихтисослаштирилган, айрим фанларни чуқурлаштириб ўқитиладиган мактаблар, мактаб-интернатлар ёки синфларда мазкур буйруқнинг 6-бандида акс топмаган фан чуқурлаштириб ўтилаётган бўлса, ушбу фандан муассаса педагогика кенгашининг қарори асосида қўшимча имтиҳон киритилишига рухсат берилади.

Ушбу фан бўйича имтиҳон материаллари (ёзма, оғзаки ёки тест) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика таълим марказининг тавсиялари асосида ўқув муассасаси ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилиб, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими услубхонаси билан келишилган ҳолда, мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Кўзи ожиз, заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатларида синфдан-синфга кўчириш bosqichli nazorat imtihonlari ҳамда X, XII синф битирувчилари учун якуний аттестация умумтаълим мактабларига қўйилган талаблар асосида ўтказилади (кимё ва физика фанларидан лаборатория ишлари масала ечиш билан алмаштирилиб, жисмоний тарбия фанларидан имтиҳонлар ўтказилмаслиги эътиборга олиниши лозим).

Кар, заиф эшитувчи, полиомелит (таянч ҳаракат аъзолари шикастланган), нутқида нуқсонли бўлган болалар махсус мактаб-интернатларининг битирувчи (IX, XI) синфларида фақат она тили ва адабиёт (баён), математика (ёзма) фанларидан якуний давлат аттестацияси ўтказилади.

Ақли заиф болаларнинг махсус мактаб ва мактаб-интернатларида фақат меҳнат таълими бўйича якуний давлат аттестациясини ўтказиш муддати мактаб педагогика кенгаши томонидан белгиланиб, Республика таълим марказининг тавсия ва мезонлари асосида ўтказилади.

Шундан келиб чиқиб, мазкур буйруқ асосида Вазирлик тасарруфидаги тегишли ташкилотларга умумий ўрта таълим муассасаларида 2009—2010 ўқув йилини якунлаш, ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини якуний аттестациядан ўтказиш, уларни синфдан-синфга кўчириш бўйича bosqichli nazorat imtihonlariни ташкилий-услубий жиҳатдан юқори савияда ташкил этишга доир вазифалар юкланди.



УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ СИНФДАН-СИНФГА КЎЧИРИШ МУВАҚҚАТ ТАРТИБИ

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сон қарори асосида ишлаб чиқилган бўлиб, таълим олувчиларни синфдан-синфга кўчиришни тартибга солади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда мактаб деб юритилади) таълим олувчилари, билим олиш усулидан қатъи назар, ҳар бир синфнинг дастурларини муваффақиятли тўлиқ ўзлаштириб, белгиланган ўқув фанларидан босқичли назоратдан ҳам муваффақиятли ўтганидан сўнг кейинги синфга кўчирилади.

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сон қарорига асосан, 2004—2009 йилларда Ўзбекистон Республикасида академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ишга туширишнинг аниқ йўналтирилган дастурининг ижроси тўлиқ таъминлангунга қадар, ўтиш даврида X синф (кейинги ўринларда X синф деб юритилади)да таълим олувчиларига ҳам татбиқ этилади.

2. Таълим олувчиларнинг билими, малака ва кўникмаларига қўйилган талабларнинг бажарилиши бўйича босқичли назорат (ёзма ёки оғзаки имтихон ҳамда тест топшириқлари шаклида) IV—VIII ва X синфларда ўқув фанларининг амалдаги ўқув дастури ва давлат таълим стандартлари асосида ўқув йилининг якуни бўйича ўтказилади.

3. Таълим дастурларини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўзлаштирган ва барча ўқув фанларидан йил якуни бўйича ижобий баҳоланган ёки битта ўқув фанидан қониқарсиз баҳоланган (ушбу фан бўйича босқичли имтихон топшириш шарт билан) таълим олувчилар босқичли назоратга қўйиладилар.

4. Шартнома асосида мактабларда тахсил олаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар босқичли аттестациясига мазкур Низомнинг 3-банди асосида қўйиладилар.

II. IV—VIII ВА X СИНФЛАРДА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ БОСҚИЧЛИ НАЗОРАТИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5. Босқичли назоратни ўтказиш муддати ҳамда имтихон топшириладиган фанлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тегишли буйруғи билан белгиланади.

Босқичли назоратда имтихонлар ўтказиш тартиби Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 4 мартдаги 56-сон буйруғи билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисида Низом» талаблари асосида ўтказилади.

6. Босқичли назорат имтихонлари мактаб директори тасдиқлаган имтихон жадвали асосида амалга оширилади.

7. Фанлар бўйича имтихонларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бутун жавобгарлик мактаб имтихон комиссияси

раиси: мактаб директори, у бўлмаган пайтларда унинг вазифасини бажарувчи шахс зиммасида бўлади.

Имтихон топшираётган ҳар бир синф учун мактаб директорининг буйруғи билан ҳар бир фандан имтихон олувчи комиссия кўйидаги таркибда тайинланади: ўқув фани бўйича имтихон комиссияси раиси — мактаб директори, унинг ўринбосари ёки мактаб ўқитувчиси; ушбу синфда мазкур фандан дарс берувчи (имтихон олувчи) ўқитувчи.

Имтихон ўтказиладиган синфга дарс берувчи ўқитувчи шу фандан имтихон комиссиясининг раиси бўлиши мумкин эмас.

Фан бўйича имтихонларни ташкил этиш ва ўтказиш учун барча жавобгарлик ушбу комиссия раиси зиммасига юклатилади.

8. Ўқув фани бўйича имтихон комиссияси аъзоларининг вазифалари Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

9. Чет элларда вақтинча таълим олган (ота-онаси хориждаги дипломатик корпусларда ишлаган, турли танловлар ёки чет мамлакатларнинг грантлари ҳисобига таълим олган) IV—VIII ва X синфда таълим олувчиларни босқичли назорат имтихонларига қўйиш масаласи Қорқалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси томонидан кўриб чиқилади.

III. ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ БОСҚИЧЛИ НАЗОРАТ ИМТИХОНЛАРИДАН ОЗОД ЭТИШ

10. Фанларни ижобий ўзлаштираётган таълим олувчилар мактаб директорининг буйруғи билан босқичли назорат имтихонларидан кўйидаги ҳолатларда қисман ёки бутунлай озод этилади:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирлиқларининг 1995 йил 22—23 майдаги «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касаллиги тўғрисида»ги 99/230-сон қўшма буйруғи билан тасдиқланган касалликлар рўйхати ва йўриқномага асосланган ҳолда соғлиги бўйича;

халқаро ва Республика миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, турли кўрик-танловларида таълим олувчиларнинг иштироки бевосита босқичли назорат даврига тўғри келса, таълим олувчи шу кунлардаги имтихонлардан;

имтихон топшириладиган фанни фақат аъло баҳолашга ўзлаштирган ҳамда намунали хулққа эга бўлган таълим олувчилар мазкур фан бўйича имтихондан озод этиладилар.

Имтихонлардан озод этилган таълим олувчиларнинг якуний баҳоси йиллик баҳоси асосида чиқарилади.

11. Таълим олувчи йиллик ижобий баҳолашга эга бўлган ҳолда соғлиги тўғрисида босқичли назорат имтихонларидан озод этилган тақдирда мактаб директори, ўқув муассасаси жойлашган ҳудуддаги даволаниш муассасаси тиб-

бий-назорат комиссиясининг мактаб шифокори, қишлоқ жойларда эса туман бош педиатри билан келишган ҳолдаги тиббий хулосалари асосида буйруқ қабул қилади.

12. IV—VIII (X) синфда таълим олувчиларнинг яшаш жойи ўзгариши (Республикадан ташқарига чиқishi) муносабати билан шу ҳолатни тасдиқловчи расмий ҳужжатлари бўлса (бу ҳолат март-апрель-май ойларида юзага келса), бундай таълим олувчиларга босқичли назоратдан муддатидан илгари ўтишларига шу таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан рухсат берилади.

Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган фанлардан имтихонлар, қолган асосий фанлардан синовлар ўтказилади. Имтихон ва синовларни ўтказиш муддати мактаб директори томонидан тасдиқланади ва улар мактабда тузилган муваққат имтихон комиссияси томонидан ўтказилади.

13. Босқичли назорат имтихонлари даврида касал бўлган ва имтихонлар тугашигача тузалиб чиққан таълим олувчилар таълим муассасаси директори буйруғига кўра қолдирилган имтихонларни, имтихонлар тугагандан сўнг икки ҳафта ўтгач ёки такрорий имтихонлар даврида (август ойида) топширишлари мумкин.

IV. ЎЗГИ ТОПШИРИҚЛАР ВА ТАКРОРИЙ ИМТИХОНЛАР

14. Барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари томонидан синфдан-синфга кўчирилиши маълум муддатга кечиктирилган таълим олувчиларга ўзлаштира олмаган фанлардан ёзги ўқув топшириқлари берилади.

Ёзги ўқув топшириқлари барча синфларда фанлар бўйича амалдаги ўқув дастури асосида фан ўқитувчиси томонидан тузилади ҳамда муассасанинг мазкур ўқув фани методбирлашмалари томонидан тасдиқланади.

15. Ўзги топшириқларни олган таълим олувчиларга амалий ёрдам бериш мақсадида яқка тарзда ёки гуруҳ машғулотлари ташкил этилади. Бундай машғулотлар жадвали мактаб директори томонидан тасдиқланади. Бунда фан ўқитувчиларининг меҳнат таътилида бўлмаган вақтлари инобатга олинади ва таълим олувчилар бу машғулотларда бепул қатнашадилар.

Таълим олувчиларнинг ота-оналари ўз фарзандларига қўшимча машғулотлар ўтказиш мақсадида шартнома асосида ўқитувчиларни жалб этишлари мумкин.

16. Ўзги топшириқлар олган таълим олувчилар ва уларнинг ота-оналарига ўтказиладиган такрорий синовлар жадвали ёзги таътилга чиқишдан 3 кун олдин фан ўқитувчиси томонидан ёзма равишда маълум қилинади.

17. Такрорий топшириқларни муваффақиятли топширган таълим олувчилар мактаб педагогика кенгаши қарори билан синфдан-синфга кўчирилади.

V. ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ СИНФДАН-СИНФГА КЎЧИРИШ ТАРТИБИ

18. Босқичли назорат имтихонларини муваффақиятли топширган таълим олувчилар кейинги синфга кўчирилади. Таълим олувчиларни синфдан-синф-

га кўчириш мактаб педагогика кенгаши қарори билан расмийлаштирилади.

19. Умумий ўрта таълим фанларидан I—VIII ва X синфларда таълим олувчиларнинг билими ва кўникмалари бўйича йиллик баҳолари уларнинг чораклик, ярим йиллик баҳолари асосида ўқув машғулотлари тугашидан 3—5 кун олдин чиқарилади.

20. I синфда таълим олувчилар тиббий-педагогик комиссия хулосаси асосида мактаб педагогика кенгаши қарори билан қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилади. Бошқа ҳолларда I синфда таълим олувчилар синфда қолдирилмайдилар.

21. II—VIII ва X синфлардан кейинги синфга барча ўқув фанларидан ижобий йиллик ва якуний баҳолашга эга бўлган таълим олувчилар ўтказилади.

Шу синфларда уч ва ундан ортиқ фанлардан қониқарсиз баҳоланган II—VIII ва X синфда таълим олувчи мактаб педагогика кенгаши қарори билан қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилади.

Бир ёки иккита фанни ўзлаштира олмаган таълим олувчилар ўқув йили тугагандан сўнг икки ҳафта ўтгач ёки август ойида ёзма ёки оғзаки синовлардан (имтихонлардан) ўтказилади ва ижобий баҳоланганда педагогика кенгаши қарори билан синфдан-синфга кўчирилади.

Таълим олувчи бу синовлардан ҳам ўта олмаган тақдирда мактаб педагогика кенгаши қарори билан у такроран синфда ўқишга қолдирилади.

22. Таълим олувчининг такроран синфда қолдирилганлиги ёки унинг кузга вазифа олгани ҳақидаги педагогика кенгашининг қарори уч кундан кеч бўлмаган муддатда таълим олувчига ва унинг ота-онасига ёзма равишда маълум қилинади.

23. Таълим олувчининг мактабда ўқиши давом эттиришига саломатлиги тўғрисида монелик кўрсатувчи омиллар хусусида тиббий хулосалар мавжуд бўлса, ота-онасининг розилиги билан ва педагогика кенгашининг қарорига асосан, у ихтисослаштирилган таълим муассасасига тиббий-педагогик комиссия йўлланмаси билан ўтказилади.

VI. СИНФДАН-СИНФГА КЎЧИРИШ ҲАҚИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА АЪЛОЧИ ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ

24. Йиллик баҳолари ижобий бўлган ҳамда босқичли назорат имтихонларини муваффақиятли топширган таълим олувчиларга ўқув табели тўлдирилади ва синф раҳбари ҳамда директор томонидан имзоланиб, муҳр босилиб, расмийлаштирилади.

25. Барча фанлардан йиллик якуний баҳолари «аъло», хулқи «намунали» бўлган таълим олувчилар мактабнинг «Мақтов ёрлиги» билан тақдирланадилар.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

26. Мазкур Низом талабларини бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

ЯКУНИЙ ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ ВА БОСҚИЧЛИ НАЗОРАТ ИМТИХОНЛАРИ ЎТКАЗУВЧИ ИМТИХОН КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ-ВАЗИФАЛАРИ

Ўқув фани бўйича имтихон комиссияси раисининг ҳуқуқ-вазифалари

1. Имтихон бошланишидан бир соат олдин имтихон материаллари (гуруҳлар рўйхати, имтихон билетлари, куръа ўтказиш учун рақамлар, баённома, қоғоз, имтихондан озод этилиши ҳақидаги ҳужжатлар, синф журнали ва ҳ.к.)нинг мавжудлигини текширади.

2. Имтихон ўтадиган хонанинг тайёрлигини текширади.

3. Имтихон бошланишидан 15 дақиқа олдин имтихон комиссияси аъзоларини рўйхатдан ўтказиш, уларга имтихон ўтказиш тартибини, баҳо қўйиш мезонларини ва улар-

нинг ҳуқуқ-вазифаларини эслатади.

4. Имтихон комиссияси аъзоларининг вазифаларини тақсимлайди, улар учун таънаффус вақтларини белгилайди, имтихон жараёнида савол бериш учун уларга сўз беради.

5. Имтихон баённомасининг тўғри олиб борилишини, баҳоларнинг адолатли қўйилишини, имтихон тўғрисидаги йўриқноманинг бажарилишини назорат қилади.

6. Имтихон тугаб, баҳолар муҳокамаси ўтганидан кейин уларни ўқувчиларга эълон

қилади ва ўтказилган имтихоннинг барча материалларини мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарига топширади:

— барча имтихон комиссияси аъзолари имзолаган имтихон баённомаси;

— фан бўйича барча имтихон материаллари;

— ўқувчиларнинг имтихон ишлари билан хомаки нусхалари.

Имтихон олувчи ўқитувчининг вазифалари:

1. Мактабга имтихон бошланишидан камида 30 дақиқа

олдин келади, имтихон билетларини ва мактаб штампи қўйилган қоғозларни жойлаштиради. Ёзма имтихонда топшириқларни доскага ёзади.

2. Ўқувчиларнинг давоматини текширади, келмаганлар бўлса, навбатчи ўқитувчи орқали сабабини аниқлайди.

3. Ўқувчилар жавобларини тинглашда ва имтихон балларини қўйишда иштирок этади.

4. Синф журналига имтихон ва якуний балларни имтихон баллари эълон қилинган кунга ёзади.

Ассистент-ўқитувчининг вазифалари:

1. Мактабга имтихон бошланишидан камида 30 дақиқа олдин келади, имтихон билетларини ва қоғозларни жойлаштиради. Ёзма имтихонда вазифани доскага ёзади.

2. Имтихон баённомасини тўлдирди.

3. Имтихон жараёнида интизомга риоя қилинишини назорат қилади.

4. Ўқувчиларнинг жавобларини тинглашда ва имтихон балларини қўйишда иштирок этади.

5. Имтихон ўтаётган хонандаги тозалikka жавоб беради.



Guruhlarda ishlashda o'qituvchi o'quvchilarni Yurtboshimiz kitobidagi ma'lumotlarni birgalikda o'rganishga va xulosa qilishga yo'naltiradi, guruhlardagi muhokama jarayonini kuzatadi.

Ma'rifat
2010-yil 10-mart

Viktorina o'tkazish usullari auditoriyaga bog'liq holda turlicha bo'lishi mumkin. Bunda tanlangan usul iloji boricha butun auditoriyani jalb qila olishga xizmat qilishi kerak.



Darsning maqsadi:

a) ta'limiy: o'quvchilarni inson qalbiga va tafakkuriga ta'sir etuvchi sohalarning mohiyati, istiqloq yillarida ushbu sohalarning bo'yicha erishilgan yutuqlar hamda xalqimiz ma'naviyatini yuksaltirishda ularning kelgusidagi vazifalari bilan tanishtirish.

b) tarbiyaviy: o'quvchilarga mamlakatimizda ma'naviy tiklanish va yangilanish jarayonlarida ushbu sohalarning ahamiyatini hamda ularning faoliyatini xalqning ma'naviy ehtiyojlari va zamon talablari asosida yanada kuchaytirish zarurini tushuntirish.

v) rivojlantiruvchi: o'quvchilarda mavjud ma'lumotlar bilan ishlay olish, asarni tahlil qilish hamda iboralarni sharhlay olish kerak bo'lgan holda olib boriladi.

Darsning borishi: dars o'quvchilarni guruhlarga bo'lgan holda olib boriladi.

Darsning jihozi:

a) didaktik:
1. Har bir guruh uchun Yurtboshimiz Islom Karimovning "Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch" kitobi, savollar yozilgan kartochka, flipchart, markerlar, skotch.

2. "Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch" fakultativ kursidan o'quv qo'llanma.

3. Mazvuga oid rasmlar.

b) texnik jihozlar: mavzuga oid slaydlar, kompyuter, proektor, ekran.

Mashg'ulot jarayoni:

Биргина мисол сифатида унинг оддий шакардан олмос ҳосил қилишга уриниб кўрганини келтириш мумкин. Яқунда чиндан ҳам сунъий олмосга ўхшаш кристалсимон бир модда яратилганки, кучли босим остида у билан ойналарни кесиш мумкин эди. Шу билан бирга, у ўз қўлёмаларида сунъий олмосларни яратиш амалиётини ҳам батафсил ёритиб берган. Қолаверса, бутун шаҳарда у яратган усуналардан фойдаланилган. Босмахонада шрифтларни куйиш учун Кирлиан ишлаб чиққан электр иситиш мосламаси, тегиримонда донни тозалаш учун у яратган курилма қўлланилган. Яна у консерва саноатида жуда қўл келадиган маҳсулотларни термик (қиздириб) ишлов бериш учун махсус усунани яратганди. Иккинчи жаҳон уруши олдида эса газдан заҳарланган одамлар организмни радиоактив моддалардан тозалашга мўлжалланган электр экранли тизимни муваффақиятли синовдан ўтказди. Чиндан ҳам, етарлича маълумоти бўлмаган оддий ишчининг амалий жиҳатдан фойдали шундай кенг доирадаги курилмаларни яратиши нодатий ҳол эди.

Айтиш керакки, Семён Кирлианнинг умр йўлдоши — Валентина унинг доимий ҳамроҳи бўлган. Бу аёл худди турмуш ўртоғи каби камтарин бўлиб, уни ҳар доим қўллаб-қувватлаб турган ҳамфикр эди. Шу сабаб, ҳаваскор тадқиқотчи ўз кашфиётларини, жумладан, уни бутун дунёга машҳур қилган ихтироини ҳам икки киши — Семён ва Валентина Кирлиан номи остида имзолаган.

КАМТАРИН КАШФИЁТЧИ

Изланувчан амалиётчи номини жаҳон илм аҳлига танитган унинг энг асосий кашфиёти бевосита инсон руҳияти ва жисмоний ҳолати билан боғлиқ. Чунки айнан унинг изланишлари туфайли илк маротаба мазкур икки ҳолатни суратда акс эттиришга имкон



Инсон аурасининг Кирлиан усулида кўриниши.

ёки инсон биоаурасининг ранги борми?

диган физиотерапия усунасини тузатаётганда, электродлар орасидаги ғалати пуштиранг нурларни унинг эътиборини тортди. Шундан кейинги изланишларни Кирлиан ўз кундалигига батафсил баён этган қайдлардан библи олиш мумкин. Унда, хусусан:

«Инсон терисидида ўзига хос биомеханизмлар бўлиб, улар қатор муҳим вазифаларни бажаради ва ички органлар билан асаб системаси орқали боғланган бўлади. Фикримча, янги усул ёрдамида нормал ва паталогик ҳолатларда тери қаватининг электрланганлик ҳолатини қиёслаб, бунинг асосида касалликларни дастлабки босқичлардаёқ ташхислашга эришиш мумкин», деб ёзганди ўтган асрнинг салмоқли ихтироларидан бирини амалга оширган инсон.

Бироқ... Дастлабки пайтда янгилик мамлакат тадқиқотчилари ва расмий вакиллар томонидан кутилган даражада хайрихоҳлик билан қабул қилинмади. Аксинча, Кирлианнинг кашфиёти-

ка университетларида Кирлиан номи ХХ асрнинг етакчи кашфиётчиларидан бири сифатида эътироф этилади.

Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб Кирлиан кашфиётидан дунёнинг кўплаб мамлакатларида фойдаланила бошланган. Ихтиро қимматини биринчи галда шифокорлар юқори баҳолашган. Чунки бу усул орқали инсоннинг соғлом эканини янгича, батафсил ва аниқ ташхислаш имкони туғилганди. Бунда эътибор танадан тож шаклида таралаётган нурга қаратилган. Аниқроғи, соғлом инсондан таралаётган ёруғлик яхлит эди, стримерлар (нурларнинг алоҳида элементлари) бир хил узунликда бўлиб, текис жойлашганди. Инсон организмда бирор-бир касаллик ёки паталогия кузатилганида «тож»нинг яхлитлиги ва текислиги бузилиши кузатилиши аниқланган. Шу боис ҳам бутун дунё ихтироидан (гарчи ўз мамлакатидида у ғалати инсон сифатида қабул қилинса-да) жуда миннатдор эди.



Инсонлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар, ҳаттоки, минералларда ҳам аура бўлади.



ни ҳар эҳтимолга қарши сир тутишга қарор қилинди. «Инсон танасидан таралаётган ёруғлик масаласи ўта муҳимдир. Шу нуқтаи назардан, Кирлиан кашфиёти ХХ асрнинг энг аҳамиятли ихтироларидан бири ҳисобланади. Аслида унинг бошиданок сир тутилиши ҳам илмий янгиликнинг турли соҳаларда кенг қўлланиши, улкан фойдаси ва аҳамиятини белгилайди». Мазкур фикрни ихтирочининг замондоши, яқин дўстларидан бири кашфиётдан 25 йил ўтиб билдирган.

ЎЗГА МАМЛАКАТДА ТОПИЛГАН ЭЪТИРОФ

Узоқ йиллар давомида ўзига хос изланишлар олиб борган олим ўз кашфиётини фақат чорак аср ўтгач эълон қилиш имконига эга бўлди. Аниқроғи, у ўз тадқиқотлари моҳиятини очиб берган кичик рисола чоп эттирди. Муаллифнинг гапларига қараганда, бу асар «юқори кучлишли электр май-

ФУРСАТ ЕТГАНИДА КЕЧ ЭДИ...

Бугун кўпчилик инсоннинг биологик тузилиши акустик, электромагнит, гравитацион каби қатор турдаги майдонлар манбаи эканини билади.



Кирлиан усули билан суратга олинган бармоқ биомухити

ни тадқиқотчи куйидагича изоҳлаган: «Gap шундаки, майдон барг ҳолатини «ёдда сақлаб қолган» ва бу вазият юқори тебранишли магнит майдонни орқали моддийлаштирилган!».

Йиллар ўтиб, тадқиқотчилар ихтиронинг амалий қимматини тўғри англаб, уни муносиб баҳоладилар. Ниҳоят, 1974 йили Кирлианга ўз мамлакатидида хизмат кўрсатган кашфиётчи унвони берилди. Бу узоқ кутилган, муҳими, ўз ватанидаги эътироф, расмий мақом эди. Кейинчалик у Краснодардаги «Сатурн» илмий тадқиқотлар лабораторияси раҳбари этиб ҳам тайинланди.

1976 йили эса Италия олимлар асоциацияси томонидан Кирлиан унинг исми битилган махсус олтин тахтача билан тақдирланиб, илмий конгрессда қатнашиш учун таклиф этилганида, кашфиётчи бу мамлакат (кейинчалик Германия, Япония, Бразилия, Испания ва қатор давлатлар)га ҳам бора олмади. Боиси, у жуда кексайиб қолганди. Тўғри, у ўзи орзу қилганидек бутун дунёни кезиб, кашфиёти ҳақида сўзлаб бериш мақсадига эришолмади. Бироқ унинг ихтироси туфайли минглаб одамлар соғлиғи яхшиланди, тиббиётда ҳам бунга асосланиб, қатор ютуқларга эришилди.

Аслида инсоният эволюцияси учун илм-фан сир-синоатларига, табиатнинг ажойиб дунёсига эшик очадиган кашфиёт ва ихтиролар жуда муҳимдир. Кирлиан 70 йил аввал ана шундай қалитлардан бирини одамларга тақдим этган. Унинг қиммати қанчалик эканини эса бугунги кунда мазкур ихтирога таянган ҳолда амалга оширилаётган тиббий текширув ва илмий изланишлар ҳам яққол намоён этмоқда.

Наргиза ИБРОХИМОВА тайёрлади.

ТАБИИЙ ОФАТ ТАЛОФАТИ

Яқинда Туркия шарқида рўй берган зилзила оқибатида камида 41 киши ҳалок бўлди, 100га яқин киши жароҳат олди, деб хабар тарқатди АП.

Табиий офат маркази — Элязиг провинцияси яқинида ер қимирлаши 6 баллгача етган. Кучли ер



силкинишлари шу ҳудуддаги олтита қишлоқда яққол сезилган.

Ҳодиса тунда, кўпчилик уйқуда бўлган пайтда содир бўлган. Тебранишлар Тунжели, Бингел, Диёрбакир тарафларда ҳам кузатилгани учун кўпчилик аҳоли тунни кўчада ўтказган.


Натижада кўплаб уйлар ва бошқа биноларга зарар етган.



ЭНГ ОФИРИ ҲОЗИРЧА ШУ

Физиклар дунёдаги энг оғир антиматерия- (антимодда)ни қўлга киритишга эришдилар, деб хабар берди “Нейче Ньюс” нашри.

Бунинг учун “Ар-Эйч-Ай-Си” (оғир ионларнинг релятивик коллайдери) тезлаткичидан фойдаланилиб, 200 гигаэлектронвольт микдордаги қувват олтин ионлари билан тўқнаштирилди. Натижада антигипертрион ҳосил бўлди. Физикада одатий тритон деганда протон ва и к к и т а нейтрон-




дан иборат тритий ядроси тушунилади. Гипертритонда эса нейтронлардан бирини ундан сал оғир бўлган гиперон (нотургун барион) эгаллайди. Антигипертрион эса унинг акси бўлиб, таркиби антипротон, антинейтрон ва антигиперондан иборат.

У энди оғирлиги бўйича шу пайтгача рўйхатда биринчи ўринда турган антигелийни иккинчи поғонага тушириб юборди. Унинг умри 10—14 сонияни ташкил этади.

ҚОТИЛ МЕТЕОРИТ(МИ?)

Палеонтологлар бундан 65 млн. йил илгари динозаврларнинг қирилиб кетишига улкан метеоритнинг кулашини сабаб қилиб кўрсатишяпти, деб хабар берди “Сайнс” журнали.

Бундай фикрга келиш учун олимлар кўплаб маълумотлар тўплашди. Масалан, баҳайбат калтакесаклар қолдиқлари учрайдиган ер қатламида катта микдорда иридий моддаси учраши аниқланган. Сайёрамизда бу турдаги элемент жуда камёб ҳисобланса, самовий жисмларда бунинг акси. Топилма манзилларида иридийдан ташқари тез-тез қўлга киритилаётган кварцнинг фалақдан келиб тушган жисм туфайли ҳосил бўладиган юқори ҳарорат ва босим таъсирида ўзгарган кўринишлари ҳам далиллар қаторидан жой олган.




Бундан ташқари, тадқиқотчилар ўтказган изланишларга кўра, 65 млн. йил илгари содир бўлган фожеа қисқа фурсатда ниҳоясига етган. Агар динозаврлар вулконлар фаоллиги сабаб (иккинчи тахмин) йўқолиб кетганида, бу жараён сезиларли вақтгача чўзиларди.

Мазкур илмий изланишларда 12 давлатдан 41 нафар мутахассис иштирок этди.

СУВ ЭМАС, У — ЛАВА

Олимларнинг хулосасига қараганда, Марс сайёрасида сув сабабли ҳосил бўлганлиги тахмин қилинган кўплаб рельефлар аслида лава оқими маҳсуллари экан. Бу эса Марсда оби-ҳаёт бор ёки йўқлиги борасидаги фикрларни янада чалкаштириб юборди. Ушбу маълумотлар Техасда Ой ва планета фанлари бўйича ташкил этилган конференцияда эълон қилинди.



Бу борада асосий тадқиқот объекти сифатида қарийб 270 км. узунликдаги канал олинди. Кўплаб тасвирлар ёрдамида аниқланишича, анҳор қирғоқларининг ботиқ экани у ердан бир вақтлар лава оқиб ўтганидан дарак беради.

“Мазкур илмий назарияни асослашда “Марс Ренессанс Орбитер” қурилмасига ўрнатилган “Хай Райс” камераси ёрдамида қўлга киритилган тасвирлар жуда катта ёрдам берди”, — деди мутахассислар вакили.

Шундан сўнг ушбу канал сейсмик фаолликлар сабабли пайдо бўлган, деган қараш илгари сурилди.


ГАЛДАГИ МАНЗИЛ — ХИТОЙ

АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг собиқ ходими Ронни Уайт эслаб қолиш бўйича ҳар йили анъанавий тарзда Нью-Йорк шаҳрида ташкил этиб келинадиган чемпионатнинг навбатдагисида зафар кучди, деб хабар берди АФП.

Мазкур “хотира олимпиадаси” шартлари қаторидан 99 кишининг исми ва расмини эслаб қолиш, 50та галдан иборат шеърни ёдлаш, сонларни кетмакет тарзда қайта айтиб бериш каби топшириқлар жой олганди.

Мазкур “тўсиқ”ларни муваффақият билан енгиб ўтган уч нафар финалчи орасида Ронни Уайт галаба қозонди.

У энди шу йил ноябрь ойида эслаб қолиш бўйича Хитойда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.



“МЕНИ ЧЕКИШ ЎЛДИРДИ”

Ўпка эмфиземасидан вафот этган британияликнинг қабри яқинига марҳумнинг васиятига кўра “Мени чекиш ўлдирди” жумласи ёзилган плакатлар осилди, деб хабар берди АП.

Дуврлик Альберт Уиттамор узоқ вақт юқоридаги касалликдан азият чекиб келаётганди. Ушбу дард кўпинча кашандалик сабаб пайдо бўлади. У ўз васияти орқали ёш авлодни огоҳликка чақириб, чекиш зарарли одат эканини яна бир бор эслатиб кетди, деб ёзади юқоридаги манба.



ШИФОКОРЛАР МЎЪЖИЗАСИ

Геттинген университети клиникаси ходимлари бундан олти ой олдин 275 грамм оғирликдаги чақалоқнинг умрини сақлаб қолишга муваффақ бўлгандилар. Шундай қилиб, немис шифокорлари томонидан ҳаёти сақлаб қолинган гўдак яшаб кетган энг енгил вазнли болакайга айланганди.

Клиника вакили Стефан Веллернинг айтишича, миттивойнинг аҳволи ҳозир анча яхшиланган ва оғирлиги ҳам 3,7 кг.га етган. У айни пайтда интенсив терапия бўлимига ўтказилган ва яхши ривожланыпти.

Бундан олдин океанортилик мутахассислар 243 грамм оғирликдаги қизалоқни, ундан кейин японияликлар 297 грамм вазн билан дунёга келган болакайни ҳаётга қайтаришганди.

МУЗОКАРАЛАР УЧУН КОМПЬЮТЕР

Клавиатура-компьютер кўринишидаги “Асус Ийе Кийборд” қурилмаси сотувга шу йил апрель ойида чиқарилиши маълум қилинди, деб хабар берди “Слэш Гиер” манбаси. Бу ҳақда компания директори Жонни Ших маълум қилди.

Ушбу компьютер (асл номи неттоп) айлана стол атрофидаги музокаралар ва муҳокамаларда ишлатиш учун анча қулай. Неттоп ёрдамида одатий операциялардан ташқари Интернетдан фойдаланиш, тармоққа уланиш, ҳужжатларни таҳлил қилиш, мусиқа эшитиш, кино кўриш мумкин.

Ушбу аппарат асосини 1,6 гигагерц частотада ишлайдиган “Интел Атом” процессори ташкил этса, клавиатура, бир гигабайтли тезкор хотира, батарея каби қисмлардан ташкил топган. Унинг ўнг тарафидан 127,5 мм.ли сенсор дисплеи жой олган. У “Вай-фай 802.11” ва “Блутус” модуллари ҳам қўллаиди. Унинг бошланғич нархи 400-600 доллар атрофида бўлиши маълум қилинди.



Н.ҚОСИМОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари
Исломиддин АНОРБОЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи ўринбосари
Исломиддин АНОРБОЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Шарқда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш кучайганини ўзбек тилини ўрганувчилар кўпайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Кореядаги Пусан чет тиллари университетиди Ўрта Осиё тиллари кафедраси бор, унда талабаларга ўзбек тили ҳам ўргатилади. Ана шу университет талабаларидан бири Пак Чонг Ҳеидир. У университетлар ўртасидаги ўзаро талаба алмашинув дастури асосида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиди ўқиди. Ўзи оддийгина, содда қиз, ёши йигирма бирда. Ўзбек дўстлари унга Чарос деб исм қўйиб олишган. Мокпо шаҳрида туғилган, кейин отасининг иши тўғрисида Сокчо номли кичкина шаҳарчага кўчиб ўтишади.

Тошкентда яшаётганига бир йил тўлмаган бўлса-да, ҳозир ўзбекчада бийрон гапира олади. Қадимий урф-одатларимиз ҳақида кўп нарса билади. Ватанига қайтиш фурсати яқинлашгани сайин, "Эҳ, вақт жуда тез ўтди. Худо хоҳласа, яна келаман!", — дейди ўз-ўзига тасалли бергандай.

Унинг Ўзбекистон тўғрисидаги фикрлари ўзгача, таассуротлари бир олам. Пак Чонг Ҳеининг ўй-хаёллари, келажакдаги орзулари билан қизиқдик.

— Аэропортдан ташқарига чиққанингизда, атрофга боқиб кўнглингиздан нималар кечди?

— Мен Ўзбекистонни бошқача тасаввур қилардим. Кореяда аксарият бинолар баланд-баланд. Ростини айтсам, бу ердаги биноларни кўриб, одамларнинг ерга яқинлигини ҳис қилдим. Мен Тошкентга келган куни қаттиқ ёмғир ёғаётгани, ётоқхонага етиб келганимча йўлда бироз қийналдим. Лекин кўчада «Матиз», «Дамас», «Тико» русумли машиналарни кўриб, Ўзбекистон-Корея муносабатлари жуда яхши экан, дея ўйладим.

Ҳа-я, яна бир гап. Минерал сув олиш учун магазинга киргандим. 600 сўм экан, бизда ҳам 600 вон. Бу жиҳатдан ҳам Ўзбекистон Кореяга ўхшаркан...

— Бир йил давомида юртимиз одамлари билан бирга яшадингиз, улар сизда қандай таассурот қолдирди?

— Ўзбеклар миллийлигини сақлаб келаётган халқ экан. Йигитларини чопонда, тўнда, бошда дўпписи билан, қизларини эса, миллий либосларда кўп кўрдим. Бизда корейс миллий либослари катта байрам ёки тўй маросимларидагина кийилади. Афсуски, ҳозир йилдан-йилга бу одат ҳам йўқ бўлиб бораёттир. Ўзбекларга миллий либослари жуда ярашади. Уларга қараб шу фикрлар бошқа миллат вакиллари-нинг ҳам хаёлидан ўтса ажаб эмас, деб ўйладим.

Яқинда бир одам билан учрашиб қолдим, у Ўзбекистонга анча йиллар олдин келиб қолган корейс эди. Лекин гап-лашолмадим, у русча, мен ўзбекча биламан. Унинг мен билан жуда-жуда дардлашгани келди, русчалаб узоқ гапирди. Менинг тушунганим, у: "Мен ёмон одамман, қара, ўз тилимни ҳам билмайман,

Уйга келиб салом-аликка доир сўзларни қатор эзиб, ёдладим. Анча вақт ўтгач, яна Паркентга бордик. Ойиси билан саломлашгач, ёдлаганларимни тўхтамасдан айтиб, ҳолаҳвол сўрадим. Ойиси хурсанд бўлди ва "Ўзбекларга ўхшаб қолибсан-а!", деди...

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди: ётоқхонадаги қизлар доим мен билан танишиб, "Бизнинг хонага чиқинг", деб кетишарди. "Чиқинг" сўзини мен бошқача тушунарканман, "Ётоқхонадан чиқинг!", "Чиқиб кетинг!", дейишарди, "Мен нимани нотўғри қилдим экан?", "Нега ундай дейдилар?", деб хафа бўлиб кетардим. Кейин билсам, бу — яхши сўз экан!

— Корея билан Ўзбекистон талабаларининг, ўқув

ПАК Чонг Ҳеи:

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАЛБИМ ТЎРИДА!»



ўзлимни унутдим", — деди. Унга ачиндим, холос...

— Ўзбек тилини ўрганиш қийин бўлмади?

— Албатта, қайсидир жиҳатлари яқин бўлса-да, бошқа халқ тилини ўрганиш, барибир, осон эмас. Ётоқхонадаги паркентлик бир қиз мени уйига олиб борди. Ойиси билан таништиргач, "Ассалому алайкум" сўзидан кейин "Яхшимисиз?", "Уйингиздагилар яхшими?", "Ўқишлар чарчатма-яптими?" каби саволлар ёғилди. Ўзбекистонда 3-4 ой яшаган бўлсам-да, лекин ҳеч бирига жавоб беролмадим, фақат битта сўз: "Яхши-яхши" дедим, холос.

системаларининг ўхшаш ва фарқли томонлари борми?

— Кореяда қўшимча фан сифатида сиз хоҳлаган фанни танлашингиз мумкин. Рўйхатдан ўтказиб қўйилса — бўлди. Кейин университет кутубхонасидан хоҳлаган китобингизни махсус интернет тармоғи орқали ёки ўзингиз кўриб танлашингиз мумкин. Шу жиҳатларга кўра, сизларнинг ўқув системангиз бироз фарқ қиларкан. Ўзбек талабалари ҳақида гапирсам, улар илмга чанқок, шижоати кучли. Мамлакат эртанги куни учун масъуллик, дахлдорлик ҳисси бор. Назаримда, бу — давлат келажиги учун ўта муҳим.

Дунё бизни yangidan tanimoqda

— Ўзбекистоннинг қайси жойларига саёҳат қилдингиз?

— Кўп шаҳарларга бордим: Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива, Манғит... Ҳар ернинг ўз урф-одати, ибратли аънавалари бор экан. Менга қишлоқ одамлари кўпроқ ёқди. Меҳрибон, софдил, меҳрли...

Ётоқхонада бирга яшайдиган қашқадарёлик бир дугонам мени Шаҳрисабзга олиб борди. Узумзори бор экан, узумхўрлик қилдик. Шаҳрисабзга олиб борган дугонам, мен "Йўқ", десам-да, йўлкира ҳақида ўзи тўлади. Шаҳарни айланаётганимизда қадимий

келмади. Ахир, мен ўзбекларни яхши кўганим учун Ўзбекистонга келдим. Уларни билишим, тушунишим, самимий тўғуларини ҳис қилишим учун уларнинг тилини ўрганишим керак эмасми?

Ўзбек тилини ўрганиб, дўстларим билан ўзбек тилида гаплаша олам, дўстлаша олам. Бу — мен учун дунёдаги энг катта қувонч!

— Сизга ўзбек таомлари ёқдими?

— Ўзбек таомлари хилма-хил. Гуручли таомлар кўп бўлгани сабабли ўрганишим осон бўлди. Таомларимиз ўхшашлиги учунми, мастава, палов каби таомларни хуш кўрдим. Тайёрлашни ҳам ўрганиб олдим. Кореяга қайтгач, дўстларимни палов билан сийламоқчиман.

— Кореяга боргач, биз ҳақимизда дўстларингизга нималарни айтасиз?

— Ўзбекистон халқи инсонларга меҳрибон, муҳаббати кучли халқ! Ўқитувчиларимиз ҳам яхши эди. Тушунмаган сўзларим бўлса, телефон қилардим, жаҳли чиқмасдан мулоимлик билан тушунтирдилар. Шошиб турган бўлсалар-да, билдирмасдилар, имкони борича, саволларимга жавоб берардилар. Зилола опа исмли ўқитувчимиз уйига таклиф қилиб, бизни лағмон, манти, сомса билан сийлади, ошхоналардагидан мазали эди. Шу каби яна кўплаб воқеалар борки, улар ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак. У хотираларни қалбимнинг тўрида ватанимга олиб кетаман.

— Келажакдаги орзуларингиз?

— Орзулар инсонни яшашига, интилишига ундайди. Кореяга боргач, Ўзбекистон иқтисодийни ўрганмоқчиман, на-сиб қилса, кейин яна қайтиб келаман.

Ўзбекистонга саёҳат қилиб, одамлари яхшилиги учун шу ерда яшаб қолган корейслар ҳақида ҳам эшитганман. Ўзбеклар бошқача, бегона бир одам билан ҳам тезда танишиб, яқинлашиб кетадилар.

Ўзбекистонга қайтиб келганимда, албатта, Хивага бориб тухумбарак ейман...

Ушбу суҳбатдан бир ҳафта ўтиб, Чонг Ҳеи Кореяга жўнаб кетди. Уни ўзбек, корейс дўстлари билан бирга кузатиб қолдик. У хайрлашиш олдидан яна, албатта, Ўзбекистонга қайтиб келажигини айтди.

Рахшона ТОШПҲЛАТОВА суҳбатлашди.

Абдусалом Жонибековнинг беғубор болалиги ва ўқувчилик йиллари тенгдошлари қатори завқу шавқ билан Зомин туманидаги Сувлисой қишлоғида ўтди. У ўрта мактабни битиргандан сўнг Мирзачўлни ўзлаштиришга отланди. Олий маълумот олиш истаги ҳаракатчан ва билимга чанқок йигитни 1959 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти(ҳозирги университет)га етаклади. Эзгу ният билан астойдил ҳаракат қилганинг, албатта, иқболи кулар экан. Табиат-география факультетининг кимё-биология бўлимида ўқишни ва келгусида жонкуяр мураб-

МАЗМУНЛИ ЙИЛЛАР

бий бўлишни орзу қилган ёш йигитнинг талабалик йиллари ҳам ёрқин хотираларга бой бўлди. Факультетда аъло ўқиш билан бирга ўз касбининг етук мутахассиси бўлиш учун тинмай изланди. Институтни имтиёзли диплом билан таъмомлаган иқтидорли талабани устозлари ишда олиб қолишди. Шу билан бирга, у аспирантурада илмий изланишларини давом эттирди. Кўп ўтмай диссертация ёқлаб, биология фанла-

ри номзоди илмий даражасини олди.

Абдусалом Жонибековнинг шундан кейин-

Ustoznoma

ги фаолияти раҳбарлик ва устозликнинг машаққатли, ўз навбатида, сермазмун онлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди. 1985 йили у Сирдарё давлат педагогика институти(ҳозирги ГулДУ)нинг сиртки ва кечки бўлими проректори ла-

возимига тайинланди. Бир вақтнинг ўзида талабаларга ўсимликлар систематикаси фанидан маърузалар ўқиди.

1996 йили А.Жонибековни тажрибали биолог олим сифатида «Соғлом авлод» Халқаро хайри жамғармасининг Сирдарё вилоят бўлимини ташкил этиш мақсадида бош директор лавозимига тайинландилар.

Олим илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолияти давомида 6 методик



қўлланма, 100дан ортиқ илмий мақола, кўпгина методик тавсиялар яратди.

2007 йилдан бугунги кунгача Сирдарё вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори

ва педагогика, психология, мактабгача ва бошланғич таълим кафедраси профессори сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Умрини таълим, унинг тараққиётига бағишлаган мураббий фидойи хизматлари учун «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Ибратли оила соҳиби, дилкаш инсон, жонкуяр мураббий, раҳбар Абдусалом Жонибеков бугун қутлуғ 70 ёшни қаршиламоқда. Севимли устозимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

А.ЭШМУРОДОВ, Сирдарё ВПКҚТМОИ ўқув, илмий-методик ишлар проректори

СИТОРА – “КАМОЛОТ” МАЛИКАСИ

Газетамизнинг ўтган сонидида маълум қилганимиздек, пойтахтимиздаги “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуасида 15–18 ёшли қизлар ўртасида стол тенниси бўйича “Камолот” маликаси мусобақалари ҳам ўз ниҳоясига етди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, “Маҳалла” ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда танловнинг вилоят босқичларида ғолиб бўлган 84 нафар қиз ўзаро куч синашди.

Юртимизда спорт борасидаги ислохотлар жараёнида навқирон авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, йигит-қизларни оммавий спортга

кенг жалб этишга катта эътибор берилмоқда.

“Камолот” маликаси-нинг 2007 йили ўтказилган мусобақаларида 1991–92 йилларда туғилган қизлар ўртасида сирдарёлик Камола Сатторова ва 1993–94 йилларда туғилган қизлар ўртасида Тошкент вилояти стол теннисчиси Ольга Ким тенгсиз дея топилганди. Улардан сўнгра бундай нуфузли чўққига Айнура Ибрагимова (Тошкент вилояти), пойтахтлик Виктория Шербинина (2008), бухоролик Феруза Нарзуллаева ҳамда Дилафрўз Жумаева (2009) кўтарилганди.

Жорий йили кечган мурасасиз матчларда эса барча рақибаларини мағлубиятга учратган Бухо-



ро шахридаги тиббиёт коллежи ўқувчиси Ситора Шамсиева “Камолот” маликаси—2010” танловида ғолибликни қўлга киритди.

— Мен мазкур ютуқни қўлга киритишимда катта ёрдам берган устозларимга, қўллаб-қувватлаб турган оила аъзоларимга ва ўйин услубимнинг меъёрига келишида ёрдамлашган дусоналаримга миннатдорлик билдираман, — деди С.Шамсиева ҳаяжонини яшириб.

— Шогирдимнинг “Камолот” маликаси” бўлганини кўриб, очиги, қувончдан йиғлаб юбораёдим, — деди Ситоранинг устозлик қилаётган тажрибали мутахассислардан бири Мунира Саъдуллаева. — Мутасаддилар томонидан амалга оширилган мада-

ний-маърифий тадбирлар, саёҳатлардан нафақат ўқувчиларимиз, балки биз — катталар ҳам бир олам таассурот олдик. Пойтахтимизнинг кундан-кунга чирой очиб, жаҳон стандартлари асосида кўркамлашиб бораётганидан ҳайратландик.

Шунингдек, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги 6-мактаб ўқувчиси Марҳабо Аъзамова, шу тумандаги 34-мактаб ўқувчиси Гулнора Шамбилова ва Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги 2-мактаб ўқувчиси Саида Қозоқова тенгқурлари орасида энг яхши натижаларга эришиб, “Камолот” маликаси” деган номга сазовор бўлишди.

МУХБИРИМИЗ В.ГРАНКИН ва А.ЁҚУБОВ (ЎЗА) олган суратлар.



СПОРТ ҲАМ ИШОНЧ МАҲСУЛИ

Хар қандай соҳада бўлгани каби спортда ҳам қанчалик вақтли тамал тоши қўйилса, унинг натижаси ҳам шунчалик эрта бўйи кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, мактабгача таълимга ҳам жисмоний тарбия машғулотларини ўтказишнинг янги педагогик усулларини татиқ этиш, болаларни спортга қизиқтиришнинг замонавий усулларини қўллаш тақозо этилмоқда.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси МТМларда тарбияланаётган болажонларнинг янада соғлом, бақувват ва эпчил бўлиши учун, уларга таълим бераётган жисмоний тарбия йўриқчилари иш фаолиятини бундан-да илғорлаштиришга бел боғлади. Унга кўра, ҳар ойда туман халқ таълими бўлимларига қарашли МТМлар навбат билан спорт машғулоти ўтиш борасидаги ўзига хос методикани намойиш этади. Галдаги услубий бирлашма семинари Мирзо Улуғбек ва Чилонзор туман МТМлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда “Мактабгача ёшдаги болаларга волейбол, баскетбол, футбол ўйинлари элементларини ўргатиш усуллари” амалиётчи ва назариётчи мутахассислар томонидан ат-

МТМДА ЎЗИГА ХОС ЙўЛГА ҚўЙИЛМОҚДА

рофлича ва кенг кўриб чиқилди.

Чилонзор туманидаги 204-боғча-мактабга тўпланган меҳмонлар дастлаб спорт йўналишига ихтисослаштирилган мазкур муассасада тарбияланувчилар ва ўқувчилар учун яратилган шароит, узлуксиз олиб борилаётган спорт тўғрисидаги фаолияти билан яқиндан танишишди. Сўнгра Чилонзор туманидаги 429-МТМ услубчиси Ж.Жамилованинг “Катта ва мактабгача ёшдаги болаларни волейбол, баскетбол, футбол каби спорт ўйинларининг келиб чиқиш тарихи билан таништириш ва уларни таълим муассасаларида ўтказиш услублари” мавзусидаги чиқиши тингланди.

Сўнгра Мирзо Улуғбек туманидаги 410-МТМ услубчиси И.Саидходжаева фаолият юритаётган таълим муассасаси мисолида мавзуга тўхталиб, спорт майдончалари ва анжомларнинг болалар ёшига мос бўлиши, улардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш техникаси борасида фикр юритди. МТМда жисмоний тарбия институти мутахассислари билан ҳамкорликда иш юритилишининг қай даражада самарали кечаётганлиги ҳам тўхталиб ўтди. Чиқишларда мактаб дастуридан фарқли равишда спорт турларини боғча болалари ёшига мослаштирган

ҳолда ўтиш борасида аниқ амалий тақлифлар билдирилди.

Болалар иштирокида кечган амалий қисм ҳам барча учун қизиқarli кечди. Унда, хусусан, 204-боғча-мактаб мажмуаси жисмоний тарбия йўриқчиси катта ва катта тайёрлов гуруҳи болалари билан жисмоний тарбия машғулотини ўтиб, жисмоний машғулот раҳбари қиёфасини тўлақонли акс эттира олди.

— Мактабгача таълим даврида бола ҳаётида ҳар бир йўналиш муҳим. Бунда спортнинг ҳам аҳамияти катта. Аввало, спорт билан шуғулланган бола соғлом ва тетик бўлиб, таълим жараёнида ҳам чаққон ва зийраклиги билан ажралиб туради. Қолаверса, бунда уларнинг қалбида спортнинг бирор турига муҳаббат уйғота оласак, кейинчалик улар ўз хоҳишлари билан астойдил шуғулланишлари мумкин, — дейди Тошкент шаҳар ХТББ мактабгача таълим бўлими бошлиғи Венера Маҳмудова.

Тадбир якунида айни пайтда тумандаги 281-мактабда таълим олаётган, бир неча бор Ўзбекистон кубоги ва Марказий Осиё ўйинларида акробатика бўйича бронза медали соҳибалари, олимпик Нодира ва Ноибга Ҳожақбароваларнинг чиқишлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Бир сўз билан айтганда, тадбирдан барча таълим жараёнини янада ривожлантиришга асос бўлувчи янги билим ва тажриба билан қайтди.

Зебо НАМОЗОВА, “Ma'rifat” мухбири



“HAWK-EYE” — ЭНДИ ФУТБОЛДА

Кейинги вақтларда футбол ҳакамлари билан боғлиқ машамалар кўпайиб бормоқда. Айниқса, ҳал қилувчи учрашувларда жамоалар тақдирини майдонда ҳаракатланаётган футболчилар эмас, балки реферининг ҳал қилиши кўпчиликнинг эътирозларига сабаб бўлаяпти.

Шу боисдан, ФИФА бу борада кўплаб шубҳали вазиятларни ўрганиб чиқди. Мазкур муҳокамада ФИФА масъуллари, Англия, Шотландия, Уэльс ва Шимолий Ирландия футбол ассоциацияси раҳбарлари қатнашди. Улар кили хил тизимдан бирини қабул қилиш борасида мунозарага киришди, булар: “Cairos” (асосан тўп ичига ўрнатилган чиплардан фойдаланиш) ҳамда “Hawk-Eye” (тўпнинг йўналишини рақамли камера орқали қайтадан алоҳида, графикали тарзда ажратиб кўрсатиш). “Hawk-Eye” тизимдан теннис ва крикет матчларида фойдаланишда ва у жуда ҳам яхши самара берапти. Англия ва Шотландия футбол раҳбарлари электрон технологиялардан фойдаланишни тақлиф қилишди, бироқ қолганлар уларни қўллаб-қувватламади. Қарши томон фикрича, бундай ўзгаришлар футболнинг табиий жозибасига путур етказар экан. Шунга қарамай, “Hawk-Eye” тизими яқин кунларда янги қарорга замин ҳозирласа, ажабмас.

ИРОДА ВА ИШОНЧ МАҲСУЛИ

Рус теннисчиси Анастасия Павлюченкова Мексиканинг Монтерре шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда шохсупага кўтарилди, деб хабар берди “Новости”. Мазкур муваффақият Анастасиянинг WTA таснифида кирувчи биринчиликларида эришган илк ютуғи экан.

Турнирнинг ҳал қилувчи ўйинида 18 ёшли россиялик спортчи словакиялик рақибаси Даниела Хантуховани уч сет натижасига кўра мағлубиятга учратди: 1:6, 6:1, 6:0. Халқаро хотин-қизлар кўни арафасида ўтказилган ушбу финал учрашувида Анастасия ўзи учун шу тариқа ажойиб совға ҳозирлади. Унга қадар Павлюченкова латвиялик спортчи Анастасия Севастовани доғда қолдирганди. «Матч аввалида тўп менга бўйсунмади, Даниела эса жуда ҳам чиройли ўйин кўрсатди. Аммо ўзимга бўлган ишонч ва иродамни ишга солиб, пировардида орзумга эришдим», — деди Анастасия финал баҳси ҳақида тўхталаркан. Монтерре турнири унга 280 рейтинг очкосини ва 37 минг долларлик ютуқ жамғармасини тақдим этди.

10 МИНГДАН КЛЮШКА АФЗАЛ(МИ?)

Ванкуверда ўтган 21-қишки Олимпиада ўйинларида хоккей бўйича олтин медални қўлга киритган Канада терма жамоаси вакили Сидни Кросби АҚШ дарвозасига йўллаган ғалаба тўпи учун 10 минг доллар мукофот соҳиби бўлди, деб ёзди “АП”.

Бундай улкан миқдордаги пулни спортчи Канаданинг спорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур компанияси — “Reebok” тақдим этди. «Олтин клюшка» соҳибига компания раҳбарлари ваъда қилган мукофотни мамнуният билан топширди. Кросби ғалаба шайбасини овертаймнинг 8-дақиқасида киритганди. Ушундан сўнгра у клюшкани, қўлқопи ва шлемини ечиб майдонга ташлаган, унга қўшилиб бошқа жамоадошлари ҳам шундай қилганди. Бироздан кейин уларнинг анжомлари йиғиштирилиб, сумкаларига жойлаштирилди. Энг қизиғи, Кросбининг клюшкани ва қўлқопи топилмади. Хоккейчи Ванкувердаги маҳаллий мутасаддилардан анжомларини ҳолат ёзиб олинган видеотасмалар орқали излаб топишни ва айбдорни аниқлашни талаб қилмоқда.



Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 291-МТМ жамоасини 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин юракдан табриқлаймиз. Сизнинг эзгу саъй-ҳаракатларингиз туфайли бизнинг мактабгача таълим муассасаси туманининг намунали муассасаларидан бирига айланмоқда. Сизга соғлиқ-саломатлик, масъулиятли ҳамда шарафли ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз. Юзингиздан табассум ҳеч қачон аримасин! Байрамингиз муборак бўлсин!

Тарбияланувчиларнинг ота-оналари



Наврўз — инсониятнинг энг қадимий, унинг ўзлигини эҳтимол илк бора ёрқин намоён эта олган байрамларидан бирidir. Ер юзид а одамзод нишонлаб келаётган байрамлар орасида ундан қадимийроғи эсланмайди.

Наврўз айёми тарихини мутахассислар тахминан 3-4 минг йилдан кам эмас, деб ҳисоб-китоб қилишади. Мана шу тахминий ҳисоб-китобнинг ўзи ҳам унинг тарихи балким янада қадимийроқдир, деган хулосага асос беради.

Унинг ғоятда қадимийлиги Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида таъкидланган. Масалан, Беруний Наврўзни «оламнинг бошланиши», дея таърифлайди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луготит-турк» асарида «Наврўз — кўп замонлардан буён нишонланиб келинаётган Шарқ халқлари байрами», дейилади.

Наврўз тарихига доир фарзларни шу ерда тўхтатсак ҳам бўлади. Чунки асосий масала — Наврўз айёми қандай олий сабабларга биноан, бу қадар узоқ тарих давомида инсоният учун доимо суюкли ва азиз байрам бўлиб келаётганлигидир. Наврўз тўғрисида гап очилар экан, бу масала ҳамisha кўндаланг туради ва ўз навбатида қизиқарлидир.

Биз Георгий йилномаси асосида бошланган Янги йил байрамини шу ўринда бир бор эсламоқчимиз. Гарчи бу байрам ҳам инсониятнинг эъзозли байрами бўлса-да, аммо унинг қирчиллама қиш кунларида нишонланиши кишини таажжубга солади. Ҳатто шундайки, Европада Янги йил байрами нишонланаётган чоғларда дераза ортида қор ёғиб турмаса, одамларга байрам татимайроқ туради. Қор, қиш — Георгий йилномасига кўра амал қилиб келаётган Янги йил байрамининг белгиловчи

тамғаси (эмблемаси), ҳатто бегагидир.

Энди шарқона Янги йил шодиёнаси бўлган Наврўз айёмига келсак, унинг чинакам Янги йил байрами эканлиги ҳар жиҳатдан тушунарли ва табиийдир.

Наврўз — баҳорнинг илк куни. Янги йил эса, табиий қонуниятга кўра баҳордан бошланиши ҳаммага аён. Наврўзнинг бетакрор белгиси — бойчечак, лола, бошқа баҳор гуллари. Одамлар баҳор гуллари билан бир-бирини

сий — Куёш йили Ернинг Куёш атрофида айланиш ҳаракатига қараб белгиланади. Мана шу ҳисоб-китобга кўра, Ер Куёш атрофини 365 ёки 366 кунда бир марта тўла айланиб чиқади ва мана шу муддат табиат, мавжудот ва одамзод умрининг бир йили ҳисобланади. Шамсия йили қуйидаги ойлاردан иборат: ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мезон, акраб, қавс, жадий, далв, хут. Айрим китобларда (масалан, тарихчи олим Ҳ.Ю.Бекмуҳаммедовнинг «Тарих терминларининг изоҳли лугати»да) Наврўз Куёш тақвимидаги иккинчи ойнинг илк куни, дейилади. Бу фикрнинг сабаби шуки, одамлар орасида хут ойи (20 февраль — 20 март) Куёш йилномасининг



чиқиб, 22 мартга ўтар кечасини Янги йил арафаси тарзидати бўйи ухламай ўйин-кулгу, шоду хуррамлик билан байрам қилишган.

Qadriyat

атроф-муҳит эмас, балки одамлар ўз руҳиятидаги, феъл-атворидаги нораволиклардан ҳам мана шу айёмда тозаланишга аҳд қилишади. Масалан, ўзаро араз, гина-қудуратлар унутилади, одамлар тотувлик, ўзаро хурмат-эҳтиромга интилади.

Наврўзи олам ўру қир, дашту сахро, шаҳару қишлоққа тенг, баробар равишда баҳор уйғониши, яшариши ва яшнашини ҳада этади. Одамлар ҳам баҳорнинг бу одатини табаррук аънададай қабул қилиб, ораларида ҳеч бир кишининг ўксик, кўнгли яримта, ғамандуҳ таъсирида қолишига имкон қадар йўл қўймасликка ҳаракат қилишади. Қариялар, ногиронлар, ёлғиз кишилар йўқланади. «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйларидаги кексаю ёш юртдошларга байрам дастурхонлари ва совға-саломлар уюштирилади. Наврўзона хайрли амаллар, саховат, мурувват, эҳсон каби инсоний фазилатлар айём бегагига айланади.

Яна бир диққатга сазовор ҳолат шуки, Наврўз айёми нишонланаётган кезларда одамлар спиртли ичимликлардан тийилади. Чунки бу Наврўз талабларига зид. Аксинча, Наврўзи олам чоғларида одамлар табиий кўкатлардан тайёрланган кўк сомса ва чучвараларга, сумалакка, гўжа ва ҳалим каби таомларга чин дилдан мойил бўлади. Биламизки, табиий гиёҳдан қилинган бундай таомлар аъзойи баданини, организмни губорлардан тозалайди, танага куч-қувват ва саломатлик ато этади. Ҳатто бемор ётган кишилар, қариялар сумалакдан тотиб кўришса, «Сумалакка етказган Эгам бўёғига ҳам ҳимматли бўлади», деб руҳан тетикландилар ва соғайиб кетишга кўнгилларида ишонч уйғонади. Бу ҳам Наврўз амалидир.

Наврўз ана шундай ноёб айём. Унинг хосиятлари тўғрисида қанча сўзланса, яна нимадир ҳикоямизда камдай туюлаверади. Тақдиримизда, ҳаётимизда бундай дилкаш, беғубор, тоза, суюкли ва азиз байрамимиз борлигининг ўзи бахтимиздир.

Михли САФАРОВ



Наврўз айёмида сийлашади, бир-бирига меҳру эҳтиромини ифода этадилар.

Наврўз — Шарқ халқларининг бой ва нодир ҳаётий тажрибаси, билими, донишмандлиги кўзгусидир.

Маълумки, Наврўз айёмининг туғилиши Шарқда азалдан шаклланиб, такомил топган Шамсий, яъни Куёш йили ҳисоби билан боғланади. Шам-

биринчи ойи, деган қараш ҳам йўқ эмас. Бундай қарашни баъзи изоҳли лугатлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, 1981 йилда нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да хут — Куёш йилининг биринчи ойи сифатида кўрсатилган. Аммо бу асосли эмас. Ўрта аср Шарқ астрономларидан қолган манбаларда ҳам хут — Куёш йилининг охириги, якунловчи кишики ойи, деб тасдиқланади. Бунинг устига, халқимиз «тўқсон» деб атаган қиш мавсуми ҳам 5 декабрдан — 5 мартга давом этади. Демак, хут — қиш фаслининг сўнги ойдидир. Ҳақиқий Янги йил ҳамал ойдан амал олади. Наврўз эса ҳамалнинг илк кунидир. У сўзнинг ҳақиқий маъносидаги Янги йил куни ҳисобланади.

Шу ўринда яна бир изоҳ: айрим Шарқ мамлакатларида Наврўз айёми 22 мартда нишонланади. Бунинг таажжубланарли жойи йўқ. 22 март — амалда шарқона янги йилнинг биринчи куни. Аммо шарқона янги йил, астрономик ҳисоб-китобларга кўра, аслида, 21 март куни бошланади. Сабаби, 21 мартнинг кундузи муддати 22 мартга ўтар кечаси муддатига тўлиқ тенглашади. Қадим замонларда одамлар мана шу тасаввурдан келиб

Шу билан бирга, одамзод доимо ёруғликни, нурни ардоқлаб келган. Бунинг устига, расман 21 март кунининг кундузги пайти олдинда турган қиш кечаси билан роппа-роса тенглашади ва бундан кейин кундузги пайтларнинг, ёруғликнинг, қуёшли, нурли кунларнинг тун устидан устунлигини, ғолибиятини бошлаб беради. Мана шу боис кўпчилик Шарқ давлатларида 21 мартни ҳақиқий Наврўз куни деб билишади ва катта шодиёналар билан байрам қилишади.

Хуллас, Наврўз айёми абдиқиятининг биринчи, энг муҳим омили — унинг чинакам ва тўла маънодаги ҳақиқий, табиий Янги йил байрами эканлигидир.

Наврўз — баҳор, уйғониш, янгиланиш байрами. Агар Наврўзи олам — табиатда, борликда янгиланишни, покланишни бошлаб берса, одамзод ҳам Наврўзи олам тарзига амал қилиб, янгиланиш, покланишни ўз хонадонидида «уй кўтариш»дан бошлайди, кўрпа-тўшакдан тортиб, кийим-либосгача янгиланади ёки тозаланади. Сўнгра хонадонлар остонасидан тортиб ҳовли, маҳалла, қишлоқ, туман ва шаҳарларгача — бутун замин бор губору чиқиндилардан тозаланади. Фақат ташқи



<p>Ma'rifat</p> <p>TA'SIS ETUVCHILAR:</p> <p>O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</p>	<p>Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi:</p> <p>Bahodir JOVLIYEV</p> <p>Tahrir hay'ati: Rustam AHLIDINOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV</p>	<p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>INDEKS: 149, 150. G-222. Tiraji 46913. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.</p> <p>Navbatchi muharrir: Hulkar TO'YMANOVA. Navbatchi: Zohidjon XOLOV.</p>	<p>«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. Belgisi ostida reklama materiallari beriladi.</p> <p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p> <p>E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz</p> <p>TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p> <p>Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.</p> <p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi boshmaxonasi.</p> <p>Korxonadan manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 22.30. ЎЗА якуни — 21.00</p>
---	---	--	--	--